

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
**ҚАРОРИ**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 3 ” май

№ПК-4307

“ \_\_\_\_ ” 20 г.

**Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш  
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга беписандлик, заарали ёт ғоялар таъсирига берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Маънавий-маърифий ишларнинг таъсиранлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан кўмаклашиш мақсадида:

1. Қўйидагилар Республика Маънавият ва маърифат кенгаши (кейинги ўринларда Республика кенгаши деб юритилади) фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

аҳоли ўртасида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш;

мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка самарали етказиш;

оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва соғломлаштиришга қаратилган фаолиятда иштирок этиш, “маҳалла-туман-вилоят-республика” принципи асосида ҳудудлар кесимидағи ижтимоий-маънавий муҳит ҳаритасини шакллантириш, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

**“Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси** асосида жамиятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш;

тинчлик ва осойишталикка, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига, қадрият ва урф-одатларга ҳамда инсонпарварлик ғояларига хавф солувчи турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши **самарали тарғибот ишларини олиб бориш**;

аҳолининг ижтимоий-маънавий хаётида **бунёдкорлик ғояларини** кучайтириш, диний **бағрикенглик** ва **миллатлараро тутувлик** муҳитини янада мустаҳкамлаш.

2. Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Чора-тадбирлар дастури) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**3. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг таркиби** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) Маънавият ва маърифат кенгашлари (кейинги ўринларда – худудий кенгашлар) раислари **ўн кун муддатда** худудий кенгашлар таркибини қайта тасдиқласин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Республика кенгашининг йигилиши **бир йилда бир марта** Республика кенгashi раиси, бошқа вақтларда эса заруратга қараб Республика кенгashi раисининг ўринbosарлари томонидан ўтказилади;

худудий кенгашларнинг йигилишлари худудий кенгашлар раислари томонидан **ҳар ярим йилда бир марта** ўтказилади;

Республика Маънавият ва маърифат маркази (кейинги ўринларда – Марказ) Республика кенгашининг, унинг худудий бўлим ва бўлинмалари тегишли худудий кенгашларнинг **ишчи органлари ҳисобланади**.

6. Марказ:

а) Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғликни сақлаш вазирлиги ва “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази билан биргаликда уч ой **муддатда** қўйидагиларни назарда тутган ҳолда, **Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси** лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторлари;

бала тарбиясида миллий тарбия методлари ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш шакллари;

маънавий тарбияни шакллантиришда оила, таълим муассасалари, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорликни ўрнатиш механизmlари;

тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билими ва малакасини мунтазам ошириб боришни назарда тутувчи узлуксиз маънавий тарбия тизими;

маънавий тарбияни шакллантиришнинг ҳомиладорлик давридан бошланиши ва тарбиянинг ҳар бир босқичдаги ўзига хос хусусиятлари;

маънавий тарбиянинг тадрижий ривожланиш ва узлуксизлик тамойилларига асосланиши;

б) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази билан биргаликда **икки ой муддатда қуидагиларни назарда тутган ҳолда, Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш методикаси** лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Республика кенгасига киритсин:

худудлардаги ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини хонадонма-хонадон юриб аниқлаш, тизимли мониторинг ва таҳлил қилишда замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш шакллари;

таҳлил натижаларини “маҳалла–туман–вилоят–республика” принципи асосида худудлар кесимидағи ижтимоий-маънавий муҳит харитасида акс эттириш тартиби;

ижтимоий, иқтисодий ва психологияк муаммоларни бартараф этишга қаратилган мақсадли ва манзилли тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишга доир тавсиялар;

аҳолининг мағкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга йўналтирилган инновацион методларни яратиш, илмий-амалий дастурларни амалиётга жорий этиш механизми;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда Марказнинг худудий бўлим ва бўлинмалари ходимлари, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг маънавий-маърифий ишлар учун масъул ходимларини Марказ хузуридаги “**Маънавият тарғиботчиси**” таълим муассасасида тизимли равишда ўқитиш амалиётини жорий этсин.

## 7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига:

“**Madaniyat va ma’rifat**” телеканалини Марказ, унинг худудий бўлим ва бўлинмалари фаолиятини ёритиш масалалари бўйича Республика кенгасининг бош ахборот ҳамкори этиб белгилаш;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Халқаро пресс-клуб ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мағкуравий иммунитетини мутаҳкамлашга, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган мақолалар, ток-шоулар, ижтимоий роликлар, кўрсатувлар, публицистик чиқишлиар ва эшиттиришлар ташкил қилиш тавсия этилсин.

8. Марказ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмасининг маънавий-маърифий ишларни амалга оширишдаги, юксак ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришдаги самарали меҳнати ва ибратли фаолияти учун давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига топшириладиган “**Маънавият фидойиси**” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифи маъкуллансин.

Марказ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда икки ой муддатда “Маънавият фидойиси” кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Марказ хузурида “**Маърифат**” тарғиботчилар жамияти нодавлат нотижорат ташкилоти шаклида таъсис этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига “Маърифат” тарғиботчилар жамияти фаолиятини давлат субсидияси шаклида қўллаб-қувватлаш тавсия этилсин.

10. Белгилансинки, **2019 йил 1 июндан** ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра Марказ, унинг худудий бўлим ва бўлинмалари ходимлари лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари **1,7 баравар кўпайтирилган** микдорда қўлланилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказ, унинг худудий бўлим ва бўлинмалари ходимларининг иш ҳақи микдорини ошириш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун 2019 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағ ажратсин.

12. Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Ариповга – Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш юзасидан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Ш. Махмудовга – Чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилиши, кейинги йиллар учун назарда тутилган чора-тадбирлар дастурлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишининг ташкил этилиши;

вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига – Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган вазифалар ижросининг тўғри ташкил этилиши ҳамда тадбирларнинг муддатида ва тўлиқ бажарилиши юзасидан жавобгарлик юклансин.

14. Марказ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдуваҳитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри



**Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, ахолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар**  
**ДАСТУРИ**

T/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар</b>				
1.	Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Концепция лойиҳаси	2019 йил июль	Республика Маънавият ва маърифат маркази (А.Кадиров), Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Соғлиқни саклаш вазирлиги (А.Шадманов), “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази (Д.Тошимухаммедова)
2.	Оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий мухитни ўрганиш, унинг манзиллилиги, тизимлилиги ва таъсирчанлигини таъминлаш, тарғибот-ташвиқот ишларини шаклан ва мазмунан бойитиш ҳамда бу жараёнга инновацион усусларни жорий этиш максадида <b>Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитнинг ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш методикасини ишлаб чиқиш ҳамда Республика кенгашига киритиш.</b>	Методика	2019 йил июнь	Республика Маънавият ва маърифат маркази (А.Кадиров), Ахборот технологияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков), “Маҳалла” жамоат фонди (Ш.Жавлонов), “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази (Д.Тошимухаммедова)
3.	“Маънавият фидойиси” кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси	2019 йил июнь	Республика Маънавият ва маърифат маркази (А.Кадиров), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Молия вазирлиги (Ж.Кўчкоров)
<b>II. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун хужжатларининг мазмун ва моҳиятини ахолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот тадбирлари</b>				
4.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат кенгашилари иштирокида келишилган режа асосида “Маънавият фестивали”ни ўтказиш.	Чора-тадбирлар режаси	2019 йил июнь	Республика Маънавият ва маърифат маркази (А.Кадиров), худудий Маънавият ва маърифат кенгашилари

5.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги <b>Олий Мажлисга Мурожаатномасининг мазмун-моҳиятини</b> кенг аҳоли вакилларига етказишга қаратилган туркум тарғибот тадбирларини ўтказиш.	Маънавий-маърифий тадбирлар	йил давомида	Республика Маънавият ва маърифат маркази (A.Кадиров), Ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), “Маҳалла” жамоат фонди (Ш.Жавлонов)
6.	Мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг аҳоли кундалик турмушидаги натижалари, фуқароларимизнинг фаоллиги ва эртанги кунга ишончи ҳақида “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” шиори остида “Бахтга ҳақли эл” номли тарғибот материаллари, рисола ва буклетлар тайёрлаш.	Тарқатма материаллар, рисолалар	йил давомида	Республика Маънавият ва маърифат маркази (A.Кадиров), “Маърифат” тарғиботчилар жамияти
7.	Жамиятда фаол фуқаролик позициясининг шаклланиши ҳолати, турли соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг аҳоли турмуш тарзига таъсирини ўрганиши мақсадида “Ижтимоий ривожланиш ва дахлдорлик туйғуси” мавзусида ижтимоий тармоқлар орқали аҳоли ўртасида социологик тадқиқотлар ўтказиш ва натижалари асосида таҳлилий материаллар тайёрлаш.	Сўровлар, тадқиқотлар ва таҳлиллар	йил давомида	Республика Маънавият ва маърифат маркази (A.Кадиров), “Маърифат” тарғиботчилар жамияти
8.	Ўзининг самарали меҳнати, ватанпарварлиги, жисмоний ва интеллектуал салоҳияти билан турли соҳаларда катта муваффақиятга эришган юртдошлиаримизнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қўлиувчи “Мен шу юрт фарзандиман” рукнида туркум кўрсатувлар ташкил этиш.	Медиа режа	2019 йил июнь	Республика Маънавият ва маърифат маркази (A.Кадиров), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (A.Хаджаев)
9.	Амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишда раҳбар ходимларнинг тутган ўрни, уларнинг маънавий-ахлоқий сифатларининг аҳоли кайфиятига таъсирини ёритиш мақсадида: “Раҳбар маънавияти”, “Раҳбарнинг бошқарув маданияти” мавзуларида семинар-тренинг ва эркин мулоқотлар ташкил этиш; “Раҳбарнинг маънавияти ва маърифати” мавзусида рисола тайёрлаш.	Семинар-тренинг  Рисола	йил давомида  август	Республика Маънавият ва маърифат маркази (A.Кадиров), “Маънавият тарғиботчиси” таълим муассасаси (Н.Салаев)
10.	“Жамият тараққиётининг асоси – маърифатdir” мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этиш.	Илмий-амалий конференция	2019 йил август	Республика Маънавият ва маърифат маркази (A.Кадиров)
11.	Марказий кўчалар, магистрал йўлларда <b>китобхонлик тарғиботига</b> оид шиорлар, ҳикматли сўзлардан иборат баннерлар, кўргазмали тасвирий-тарғибот воситаларидан кенг фойдаланиш ишларини ташкил этиш.	Чора-тадбирлар режаси, тарқатма материаллар, баннерлар, плакатлар	2019 йил июнь	Республика Маънавият ва маърифат маркази (A.Кадиров), “Тасвирий ойина” уюшмаси (И.Латипов), Ёзувчилар уюшмаси (С.Сайдов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (К.Алламжонов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

<b>III. Дунёда юз берадётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чукур ёритиш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият” ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб боришига оид тадбирлар</b>				
12.	“Ахборот ҳашари” лойиҳасини амалга ошириш, унинг доирасида: Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги ноҳолис ахборотларга қарши аҳоли, айниқса ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш ва жамоатчиликда муайян ҳолатлар ҳакида ҳаққоний фикр шаклланишига кўмаклашиш; иштирокчиларни ахборот технологиялари янгиликлари билан таништириш учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	йил давомида	Республика Маънавият ва маърифат маркази (A.Кадиров), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (К.Алламжонов), Ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Ахборот технологияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков), Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов)
13.	Абу-л-Муин Насафий илмий меросига бағишлиланган “Жаҳолатга қарши маърифат билан курашган буюк аллома” номли халқаро конференция ўтказиши.	Халқаро илмий-амалий конференция	2019 йил ноябрь	Кашқадарё вилояти ҳокимлиги (З.Рўзиев), Республика Маънавият ва маърифат маркази (A.Кадиров), Ислом цивилизацияси маркази (Ш.Миноваров)
14.	Абу-л-Муин Насафий хаёти ва ёзган асарлари асосида маҳсус тўплам тайёрлаш ва чоп этиши.	Тўплам	2019 йил ноябрь	Республика Маънавият ва маърифат маркази (A.Кадиров), Дин ишлари бўйича қўмита (Ж.Акромов), Ўзбекистон мусулмонлари идораси (У.Алимов)
<b>IV. Жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўққинлик қилаётган ички таҳдидлар – коррупция, маҳаллийчилик, лоқайдлик ва отоналарнинг ёшлар тарбиясига эътиборсизлиги каби ҳолатларга барҳам беришига қаратилган тадбирлар</b>				
15.	Маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар иштирокида “Оила – муқаддас даргоҳ” мавзусида маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш.	Учрашувлар, давра сухбатлари, семинарлар ва бошқа тадбирлар	йил давомида	Республика Маънавият ва маърифат маркази (A.Кадиров), “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази (Д.Тошимухаммедова), “Махалла” жамоат фонди (Ш.Жавлонов)
16.	Ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш, улар томонидан содир этилаётган хуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида “Авлодлар учрашуви” лойиҳаси асосида барча таълим муассасаларида эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган фахрий авлод вакиллари билан тарбияси оғир ўқувчиларнинг учрашувларини ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	йил давомида	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман (шаҳар) Маънавият ва маърифат кенгашлари, Республика Маънавият ва маърифат марказининг ҳудудий бўлимлари
17.	Жазони ижро этиши муассасаларида “Маърифат” тарғиботчилар жамиятининг аъзолари иштирокида “Тақдирни кўл билан яратур инсон” мавзусида “маънавият соатлари”ни ташкил этиш.	“Маънавият соатлари”	йил давомида	Ички ишлар азирилиги (П.Бобојонов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (A.Кадиров), Хотин-қизлар қўмитаси (Т.Нарбаева)

18.	Жамиятда учраётган турли салбий иллатлар ва муаммоларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш мақсадида “Фаол фуқаро” дебат клубини ташкил этиш.	Ижрочилар кўшма қарори	2019 йил июль	Республика Маънавият ва маърифат маркази ( <i>А.Кадиров</i> ), Ёшлар иттифоқи ( <i>К.Куранбаев</i> )
-----	--	---------------------------	------------------	--

**V. Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот тадбирлари**

19.	Уч ёшдан етти ёшгача бўлган болалар тарбияси билан шугулланаётган оиласарга маънавий тарбияни ташкил этишда кўмаклашиб мақсадида “Ёш ота-она китоби”, боғча тарбиячилари учун “Бахти бола маънавияти”, мактаб ўқитувчилари учун “Фазилатли бола” кўлланмаларини тайёрлаш ва тарқатиш.	Методик кўлланма	2019 йил сентябрь	Республика Маънавият ва маърифат маркази ( <i>А.Кадиров</i> ), Халқ таълими вазирлиги ( <i>Ш.Шерматов</i> ), Мактабгача таълим вазирлиги ( <i>А.Шин</i> ), “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ( <i>Д.Тошимухаммедова</i> ), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
20.	“Жамиятда диний экстремизм ва терроризмга қарши ижтимоий профилактика механизmlарини такомиллаштириш” мавзусида илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш.	Илмий-амалий тадқиқот	2019 йил декабрь	Республика Маънавият ва маърифат маркази ( <i>А.Кадиров</i> ), Инновация вазирлиги ( <i>И.Абдурахмонов</i> ), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ( <i>И.Мажидов</i> )
21.	Бой маънавий меросимиз, меъморий ва тарихий ёдгорликларни кенг тарғиб қилиш, хорижий меҳмонларда мамлакатимизнинг тарихи, миллий урф-одатлари ҳақида тўғри маълумот бериш ва ижобий имижини шакллантириш мақсадида Ўзбекистоннинг туристик шаҳарларида фаолият олиб борадиган <b>гидлар учун услубий кўлланма</b> тайёрлаш.	Услубий кўлланма	2019 йил ноябрь	Республика Маънавият ва маърифат маркази ( <i>А.Кадиров</i> ), Давлат туризм кўмитаси ( <i>А.Аккулов</i> ), Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти ( <i>Р.Абдуллаев</i> )
22.	Тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш, жамиятдаги жипслик ва <b>мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда</b> хорижий давлатлар, хусусан Германия, Туркия ва Япония давлатлари тажрибасини ўрганиш ва рисола тайёрлаш.	Рисола	2019 йил сентябрь	Республика Маънавият ва маърифат маркази ( <i>А.Кадиров</i> ), Ташки ишлар вазирлиги ( <i>А.Камилов</i> )

**VI. Ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш ва уларда ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар**

23.	“Бу йилда ўқиши зарур бўлган 100 та китоб” рўйхатини тузиш, йил давомида ушбу асарлар маҳаллий телерадиоканалларда эл таниган раҳбарлар ва зиёлилар томонидан ўқиб борилишини ташкил этиш, турли роликлар, босма тарғибот ишларини амалга ошириш ва ижтимоий тармоқларда ушбу ташаббуснинг кенг ташвиқотини олиб бориш.	Амалий чора- тадбирлар	йил давомида	Республика Маънавият ва маърифат маркази ( <i>А.Кадиров</i> ), Ёшлар иттифоқи ( <i>К.Куранбаев</i> ), Ёзувчилар уюшмаси ( <i>С.Сайдов</i> ), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ( <i>А.Хаджаев</i> ),
-----	---	---------------------------	-----------------	--

				Миллий ахборот агентлиги ( <i>А.Кўчимов</i> ), Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ( <i>Ф.Абдухаликов</i> )
24.	Мамлакатимиздаги кенг қамровли ислоҳотлар мазмунини аҳолининг турли қатламларига тушунтириш ва мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда фаол бўлган “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари ўртасида “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” танловини ўтказиш.	Республика танлови	2019 йил август	Республика Маънавият ва маърифат маркази ( <i>А.Кадиров</i> ), “Маърифат” тарғиботчилар жамияти
25.	Анъанавий тарзда бир йилда камида икки марта (1 июнь – халқаро болалар куни, 2 сентябрь – билимлар куни) “Қадрдон мактабимга китоб совға қиласман” шиори остида акциялар ташкил этиш.	Амалий чоратадбирлар	2019 йил июнь-сентябрь	Республика Маънавият ва маърифат маркази ( <i>А.Кадиров</i> ), Ёшлар иттифоқи ( <i>К.Куранбаев</i> ), Халқ таълими вазирлиги ( <i>Ш.Шерматов</i> ), худудий Маънавият ва маърифат кенгашлари
26.	Интернет майдонида ички ва ташқи таҳдидларга самарали қарши курашишни таъминлаш мақсадида Марказ ходимлари ва “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари учун “Интернет майдонидаги маънавий таҳдидлар ва уларга қарши курашишнинг усуслари” мавзусида туркум худудий ва масофавий ўқувлар ташкил этиш.	Ўқув машғулотлари	йил давомида	Республика Маънавият ва маърифат маркази ( <i>А.Кадиров</i> ), худудий Маънавият ва маърифат кенгашлари, “Маънавият тарғиботчиси” ўқув маркази ( <i>Н.Салаев</i> )

**VII. Махаллаларда уюшмаган ёшлар билан ишлаш, ушбу ёшларни ижтимоий-иқтисодий фаоллаштиришда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган тадбирлар**

27.	Таълим муассасаларида талаба, ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида “Билиб қўйки, сени Ватан кутади”, “Авлодларга муносиб ворис бўлайлик”, “Биз буюк алломалар фарзандларимиз”, “Маърифатли ёшлар – миллат фахри” мавзусида ҳарбий фахрийлар иштирокида учрашувлар ташкил этиш.	Маънавий-маърифий тадбирлар	йил давомида	Республика Маънавият ва маърифат маркази ( <i>А.Кадиров</i> ), Мудофаа вазирлиги ( <i>Б.Курбанов</i> ), Ички ишлар вазирлиги ( <i>П.Бобојсонов</i> ), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ( <i>И.Мажисдов</i> ), Халқ таълими вазирлиги ( <i>Ш.Шерматов</i> )
28.	Ватанпарварлик, юрга садоқат туйғуларини қучайтириш, ёшларнинг ижодий фикрларини қўллаб-кувватлаш, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида “Ватан тараққиётига менинг ҳиссам” лойиҳасини амалга ошириш. Бунда: “Коррупция келажакка таҳдид” иншолар танлови; “Ўзбекистон ёшлар нигоҳида” расмлар танлови, “Она Ватанимнинг буюк фарзандлари”, “Ўзбекистонлик эканимдан фахрланаман”, “Ватанга хизмат қилиш – буюк мақсадим” мавзуларида мақолалар танлови ўтказиш.	Амалий чоратадбирлар, танловлар, ижтимоий роликлар	2019 йил июль-октябрь	Республика Маънавият ва маърифат маркази ( <i>А.Кадиров</i> ), Ёшлар иттифоқи ( <i>К.Куранбаев</i> ), Бадиий академия ( <i>А.Нуритдинов</i> )

29.	Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг маънавий-маърифий билимлари ва дунёқарашини юксалтириш, жойлардаги тарихий обидалар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тарғиб қилиш мақсадида “Юртим тарихини ўрганаман” ва “Юртим бўйлаб ўн кун саёҳат” лойиҳасини амалга ошириш.	Ижрочиларнинг кўшма қарори	2019 йил июнь-октябрь	Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (А.Кадиров), Ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Давлат туризм қўмитаси (А.Аккулов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
30.	“Фарзандингиз мустақил ҳаётга тайёрми?” руқнида ёшларни оиласвий ҳаётга тайёрлаш ва эрта никоҳнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.	Ижрочиларнинг кўшма қарори	2019 йил август	“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази (Д.Тошимухаммедова), Хотин-қизлар қўмитаси (Т.Нарбаева), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И.Мажидов) Республика Маънавият ва маърифат маркази (А.Кадиров), Ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев)
<b>VIII. Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат мухитини мустаҳкамлашга доир тадбирлар</b>				
31.	“Биз маърифатли ислом тарафдоримиз!” шиори остида туркум чора-тадбирларни амалга ошириш.	Тарғибот тадбирлари	йил давомида	Дин ишлари бўйича қўмита (Ж.Акромов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (А.Кадиров), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов), “Маҳалла” жамоат фонди (Ш.Жавлонов)
32.	“Бир оиласа эзгу мақсадлар сари” шиори остида таълим муассасалари ва махаллаларда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш борасидаги ишлар тарғиботини ташкил этиш.	Тарғибот тадбирлари	йил давомида	Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси (Р.Курбанов), Дин ишлари бўйича қўмита (Ж.Акромов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (А.Кадиров)
33.	“12 ойга – 12 аллома” лойиҳасини амалга ошириш, унинг доирасида: йил давомида буюк аждодларимиз ҳаёти, илмий ва маънавий-маърифий мероси хақида рисолалар тайёрлаш ва чоп этиш; ҳар ойда таълим муассасаларида маълум бир аллома ҳаёти ва фаолиятига бағишлиланган танловлар ўтказиш.	Рисолалар ва танловлар	йил давомида	Республика Маънавият ва маърифат маркази (А.Кадиров), Ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

34.	<p>Ўзбекистоннинг бой маънавий мероси, меъморий ва тарихий ёдгорликларини кенг тарғиб қилиш мақсадида ЮНЕСКО жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган мамлакатимиздаги обьектлар ҳақидаги маълумотларни 3D форматида намойиш этадиган электрон фото жамланма (<b>виртуал саёҳат</b>) яратиш ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарғиб қилиш. Бунда:</p> <p>жамланмага киритиладиган меъморий ва тарихий ёдгорликлар рўйхатини шакллантириш;</p> <p>фотожамланмани тўплаш ва унинг 3D форматини яратиш;</p> <p>Республика Маънавият ва маърифат марказининг веб-саҳифаси, ижтимоий тармоқларга бепул кўчириб олиш имконияти билан жойлаштириш ҳамда Google maps дастурига киритиш.</p>	Чора-тадбирлар режаси	2019 йил июнь	Республика Маънавият ва маърифат маркази ( <i>А.Кадиров</i> ), Давлат туризм кўмитаси ( <i>А.Аккулов</i> )
-----	---	-----------------------	---------------	--

#### **IX. Мамлакатимизда кенг нишонланадиган байрамлар ва бошқа саналарда кенг ахоли орасида амалга ошириладиган маънавий-маърифий тадбирлар**

35.	<p>Интернет тизимида ўзбек, рус ва инглиз тилларида “<b>Буюк юргар фарзандлари</b>” телеграм каналини ташкил қилиш. Бунда:</p> <p>Ўзбекистон худудида етишиб чиққан буюк алломалар, саркардалар, давлат ва жамоат арбобларининг ҳаёти, илмий, ижодий ишлари, давлат ва жамият ривожи йўлида амалга оширган ибратли фаолияти ҳақида маълумотлар бериб бориш;</p> <p>мамлакатимиздаги машхур олимлар, тадбиркорлар, ёзувчилар, маданият, санъат ва спорт соҳасида катта ютуқларга эришган шахсларнинг ҳаёти ва ижоди, хусусан мактаб даври ҳақидаги ибратли воқеаларни хикоя қилувчи видеороликлар тайёрлаш.</p>	Амалий чора-тадбирлар, мақола, инфографика, сўровлар	йил давомида	Республика Маънавият ва маърифат маркази ( <i>А.Кадиров</i> ), Ўзбекистон фанлар академияси ( <i>Б.Юлдашев</i> ), Ўзбекистон миллий кутубхонаси ( <i>У.Тошибоева</i> )
36.	<p>Мустақиллик неъмати, буюк аждодларимиз орзу-ниятлари, истиқлол берган имкониятлар, эришилган ютуқларни ахоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида:</p> <p>“Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари ва барча тарғиботчиларга мўлжалланган услубий кўлланма тайёрлаш;</p> <p>Мустақиллик кунига бағишланган видеоролик тайёрлаш ва ижтимоий тармоқларда ташвиқот тадбирларини ўтказиш;</p> <p>ижтимоий тармоқларда “<b>Ватанинни севмоқ иймондандур</b>” тарғибот акциясини ўтказиш.</p>	Чора-тадбирлар режаси	2019 йил август	Республика Маънавият ва маърифат маркази ( <i>А.Кадиров</i> ), тегишли вазирик ва идоралар

37.	<p>Ўзбекистон Республикаси Конституциясини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида маҳаллалар, таълим муассасалари ва ташкилотларда:</p> <p><b>“Конституция ва қонун талабларига қатъий риоя қилиш маънавий савиямиз ва маданиятимизнинг асосий мезонига айланиши шарт”</b> мавзусида давра сұхбатларини ташкил қилиш;</p> <p><b>“Инсоннинг маънавий ва маданий савияси унинг қонунларга оғишмай амал қилишида намоён бўлади”</b> мавзусида республика иншолар танловини ўтказиш.</p>	Давра сұхбати  Иншолар танлови	2019 йил сентябрь-декабрь	Республика Маънавият ва маърифат маркази ( <i>А.Кадиров</i> ), Адлия вазирлиги ( <i>Р.Давлетов</i> ), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ( <i>И.Мажидов</i> ), Халқ таълими вазирлиги ( <i>Ш.Шерматов</i> )
-----	--	--------------------------------------	---------------------------	---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон қарорига  
2-илова

**Республика Маънавият ва маърифат кенгаши  
ТАРКИБИ**

- |                      |  |
|----------------------|--|
| 1. Ш.М. Мирзиёев     | – Ўзбекистон Республикаси Президенти,<br><i>Республика кенгаши раиси</i>                                       |
| 2. А.Н. Арипов       | – Ўзбекистон Республикаси Бош вазири,<br><i>Республика кенгаши раиси ўринбосари</i>                            |
| 3. З.Ш. Низомиддинов | – Ўзбекистон Республикаси Президенти<br>Администрацияси раҳбари,<br><i>Республика кенгаши раиси ўринбосари</i> |
| 4. А.А. Абдуваҳитов  | – Ўзбекистон Республикаси Президенти<br>маслаҳатчиси   |
| 5. Р.С. Қосимов      | – Ўзбекистон Республикаси Президенти<br>маслаҳатчиси   |
| 6. Х.М. Султанов     | – Ўзбекистон Республикаси Президенти<br>маслаҳатчиси – Спичрайтери   |
| 7. К.К. Куранбаев    | – Ўзбекистон Республикаси Президенти<br>маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари                                    |
| 8. Ф.Ш. Махмудов     | – Ўзбекистон Республикаси Президенти<br>маслаҳатчисининг ўринбосари  |
| 9. А.А. Азизов       | – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик<br>хизмати раиси   |
| 10. О.Б. Муродов     | – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори  |
| 11. Ж.А. Қўчқоров    | – Ўзбекистон Республикаси Бош вазири<br>ўринбосари – молия вазири  |
| 12. Т.К. Нарбаева    | – Ўзбекистон Республикаси Бош вазири<br>ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитаси раиси                               |
| 13. Р.К. Давлетов    | – Ўзбекистон Республикаси адлия вазири   |
| 14. П.Р. Бобожонов   | – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири  |
| 15. А.Х. Камилов     | – Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири   |
| 16. Б.Н. Курбанов    | – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири   |
| 17. И.У. Мажидов     | – Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус<br>таълим вазири   |
| 18. Ш.Х. Шерматов    | – Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири  |
| 19. А.К. Шадманов    | – Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш<br>вазири  |
| 20. Ш.М. Садиков     | – Ўзбекистон Республикаси ахборот<br>технологиялари ва коммуникацияларини<br>ривожлантириш вазири              |
| 21. Б.С. Сайфуллаев  | – Ўзбекистон Республикаси маданият вазири  |

- |                         |   |
|-------------------------|---|
| 22. И.Ю. Абдурахмонов   | - Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири  |
| 23. А.В. Шин            | - Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири  |
| 24. М.Б. Азимов         | - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси раиси   |
| 25. Б.А. Мусаев         | - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси раиси   |
| 26. К.И. Алламжонов     | - Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги бош директори вазифасини бажарувчи                     |
| 27. Ж.К. Акрамов        | - Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси  |
| 28. Р.Д. Курбанов       | - Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси   |
| 29. Б.С. Юлдашев        | - Ўзбекистон Фанлар академияси президенти   |
| 30. Ш.С. Жавлонов       | - Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раиси биринчи ўринбосари  |
| 31. Қ.М. Рафиков        | - Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси   |
| 32. А.К. Кўчимов        | - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори   |
| 33. Ф.Ш. Зокиров        | - “Ўзбеккино” Миллий агентлиги бош директори  |
| 34. А.Д. Хаджаев        | - Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи  |
| 35. А.Ш. Бекмуродов     | - Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулокот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси директори вазифасини бажарувчи |
| 36. С.С. Сайдов         | - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси  |
| 37. Ш.И. Жалилов        | - Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-куватлаш “Нуроний” жамғармаси марказий кенгаши раиси   |
| 38. А.Б. Нуридинов      | - Ўзбекистон Бадий академияси раиси   |
| 39. Д.Г. Ташмуҳаммедова | - Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази директори  |
| 40. А.К. Кадиров        | - Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, Республика кенгаши масъул котиби  |

Изоҳ: Республика кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг тақдирчига ўзбекистон Республикаси Президенти 100% таъсисати ўзини ўзи бошқариш вазирини таъсисларга янгидан тайинланган шахслар ёки зинмасига тегишили функцияларни юқланган шахслар киритилади.

